

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

Jild 3, Son 12/1

**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 12/1 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳақимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият.

## **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Елмуратов Икматулла Гайбуллаевич</i> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ БИРИНЧИ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ТАРИХИ (1931-1936 ЙИЛЛАР) .....	12-18
<i>Qitaybekov Azizbek Kenesbek o'g'li</i> QORAQALPOG'ISTONDA HAVO TRANSPORTINING SHAKLLANISHIDA "DOBROLET" AKSIYADORLIK JAMIYATINING O'RNI .....	19-23
<i>Nawrizbaeva Nurjamal Qudaybergenovna</i> QORAQALPOQLARNING GILAMCHILIGI BILAN BOG'LIQ BA'ZI MAROSIMLAR .....	24-29
<i>Сайдуллаев Фаррух Умедулло ўғли</i> МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ЭТНОЛОГИК ВА ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРИ .....	30-35
<i>Berdiqulov Mirolim Tugalvoyevich</i> ТО'ДА-1 NEOLIT MAKONINING O'ZBEKISTON TOSH DAVRI ARXELOGIYASINI O'RGANISHDAGI O'RNI .....	36-40
<i>Olimjonova Gulida Olimjon qizi</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA DAVLAT BOJXONA XIZMATI ORGANLARI FAOLIYATI ..	41-47
<i>O'ng'alov Lazizbek Amiriddin o'g'li</i> NUROTA TOG' TIZMASINING TOSH DAVRI ARXELOGIYASINING O'RGANILISH TARIXI..	48-53
<i>Rahmonov Faxriddin Shoymardonovich</i> MILLIY DEHQONCHILIK MADANIYATINI ETNO-TARIXIY MANBALARDA AKS ETISHI (JANUBIY O'ZBEKISTON MISOLIDA) .....	54-58
<i>Tilavboyev Muhammad</i> JIZZAX VOHASIDA OT BILAN BOG'LIQ URF-ODATLAR VA MAROSIMLAR .....	59-63
<i>To'xtaboyev Xurmatullo Shomirza o'g'li</i> O'ZBEKISTON ILM-FANI RIVOJIDA FARG'ONA DAVLAT UNIVERSITETINING O'RNI (MUSTAQILLIK YILLARI MISOLIDA) .....	64-68
<i>Рахматиллаев Хасанбой</i> МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ЭТНИК ТАРИХИНИ ЁРИТИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ВА УСУЛЛАРГА ДОИР .....	69-74
<i>Qurbonova Manzila Boqiyevna</i> BUXORO VOHASI MILLIY SHIRINLIKLARI VA ICHIMLIKLARI .....	75-80
<i>Ravshanova Gulora</i> QASHQADARYO VOHASIDA MUNTAZAM QUROLLI HARAKATLAR TA'MINOTI (XX-asrning 20- yillarida) .....	81-85
<i>Зарипбаев Уснатдин Оракбаевич</i> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ .....	86-90

<i>Baxronov Abdullo Haydar o'gli</i> O'ZBEKISTONDA TOSH DAVRI ARXELOGIYASINI O'RGANISHDA XALQARO EKSPEDISIYALARINING O'RNI .....	91-95
<i>Maxmatqulov Jasur Isroil o'g'li</i> GIYOHVANDLIKKA QARSHI KURASH MAVZUSINING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	96-101
<i>Esanova Nilufar</i> O'ZBEKISTON-TURKIYA HAMKORLIGI VA UNING NATIJASI (TO'QIMACHILIK SANOATI MISOLIDA) .....	102-106
<i>Horboboev Sarvar Qaxramon u'fli</i> АФРОСИЁБДАГИ СЎҒД МУДОФАА ДЕВОРИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (XX АСРНИНГ 50-80-ЙИЛЛАРИ).....	107-111
<i>Эсонов Зиёдбек Юлдашевич</i> ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ТЎҚИМАЧИЛИК ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИ .....	112-117
<i>Tishabayeva Irodaxon Rasulovna</i> 1960-1970 YILLARDA O'ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI .....	118-124
<i>To'xtamishева Fotima Musurmonovna</i> MUSTAQILLIK YILLARIDA QASHQADARYO VOHASI KASHTADO'ZLIGIDA O'ZGARISHLAR.....	125-132
<i>Sattorov Nurbek</i> SHIMOLIY BAQTRIYA VA ZARAFSHON MINTAQALARIDA DEHQONCHILIK VA CHORVACHILIK MADANIYATI SOHIBLARI ETNOMADANIY ALOQALARINING O'ZBEK XALQI ETNOGENEZI SHAKLLANISHIDAGI O'RNI .....	133-138
<i>Hazratov Nurali Burxon ug'li</i> QADIMGI KESH VILOYATI HUDUDIDAGI ARXELOGIK YODGORLIKLARINING O'RGANILISH TARIXIDAN .....	139-144
<i>Mamatqulov Bekzod Sherzovich</i> O'ZBEKISTONDA GAZ-OLTINGUGURT SANOATINING YUZAGA KELISHI VA UNING RIVOJLANISH TARIXI (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA).....	145-149
<i>Berdiyev Jamshid</i> VOHA JOY NOMLARINING SHAKLLANISHIDA ETNONIMLAR VA PATRONIMLARNING TUTGAN O'RNI .....	150-155
<i>Djurakulov Sherzod Davronovich</i> SAMARQAND VILOYATI HUDUDIDI TOSH DAVRI ARXELOGIYASINING O'RGANILISHI TARIXI .....	156-161
<i>Қурбанова Дилрабо Шерипбоевна</i> ПАРЛАМЕНТ ТАРИХИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ .....	162-172

<i>Зухриддин Болтаевич Жунаев</i> ХОРАЗМДА РЕСПУБЛИКА ТУЗУМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР (1920-1924 йиллар) .....	173-181
<i>Mamadiev Voxodir Bobojonovich</i> QASHQADARYO MUZEYIDAGI NODIR OSTODON .....	182-186
<i>Norqo'chqarov Xushvaqt Eshnazarovich</i> AFG'ONISTONDA O'ZBEK TILINING QONUNIY ASOSLANISHI, O'ZBEKLAR IJTIMOYIY-MADANIY HAYOTIDAGI O'RNI (XX ASR – XXI ASR BOSHLARI) .....	187-197
<i>Ибрагимов Рахмон Зиёдуллаевич</i> ТОШКЕНТ ВОҲАСИ СЎНГГИ БРОНЗА ДАВРИ ТАРИХИ ТИЗИМИДА: ДАФН УДУМИ ВА МИГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ .....	198-203
<i>Азаматова Гулмира Байирбековна</i> ОДАМ САВДОСИГА УЧРАГАН МИГРАНТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАҚИДА БАЎЗИ МУЛОҲАЗАЛАР .....	204-208
<i>Tishabayeva Iroдахon Rasulovna</i> 1960-1970 YILLARDA O'ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI .....	209-215
<b>08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ</b>	
<i>Ostonokulov Azamat Abdulkarimovich, Inoyatov Mardonbek Mo'min o'g'li</i> DAVLAT SEKTORIDA ICHKI AUDITNING XALQARO STANDARTLARI .....	216-226
<i>Kurbaniyazov Shaxzodbek Karimovich</i> O'ZBEKISTONDA KORPORATIV BOSHQARUV TASHKILYIY- IQTISODIY MEKANIZMI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING NAZARIY VA USLUBIY ASOSLARI .....	227-232
<i>Отабеков Отажон Ғайрат ўғли</i> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОПТИМАЛ СОЛИҚ ЮКИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МАСАЛАЛАРИ .....	233-243
<i>Шакирова Фароғат Болтаевна</i> ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ .....	244-255
<i>Мамбетназаров Бахыт Бисенбаевич</i> ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	256-263
<i>Jumaniyazova Ro'za Quvondiq qizi</i> TURIZM INFRATUZILMASI TUSHUNCHASI VA UNING O'ZIGA XOS JIHATLARI .....	264-269
<i>Matniyozov Murodjon Rajabbayevich</i> DESTINATSIYA IMIDJINI SHAKLLANTIRISHDA TURISTLARNING SODIQLIGI VA QONIQLASHINING AHAMIYATI .....	270-278

<i>Хамидова Зарифа Урол қизи</i> ДАВЛАТ СЕКТОРИДА ИЧКИ АУДИТ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	279-291
<i>Toshaliyeva Saodat Toxirovna</i> KICHIK TADBIRKORLIK TUSHUNCHASI VA UNING IJTIMOIIY-IQTISODIY MONIYATI ....	292-296
<i>Худойназаров Фахритдин Хаитович</i> ИБН ХАЛДУННИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАВСИЯЛАРИ .....	297-304
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i> GASTRANOMIYANING TURIZM RIVOJLANISHIDAGI ANAMIYATI .....	305-313
<i>Кадырова Шарофат Амоновна</i> ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ ....	314-323
<i>Бегматова Зиёда Захиджановна</i> ДАВЛАТ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИ АСОСИДА КАДРЛАР БАНДЛИГИНИ ВА УЛАРГА ТАЛАБНИ БАҲОЛАШ .....	324-332
<i>Shafkarov Bakhrom Khudoyberdievich</i> TERRITORIAL FEATURES AND THEIR EFFECTIVE USE IN THE CULTIVATION OF VITICULTURE PRODUCTS .....	333-340
<i>Masharipova Fazilat Axmedovna</i> OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING ANAMIYATI .....	341-348
<i>Мусинов Дилшод Султанович</i> ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГИ ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛИ СИФАТИДА .....	349-359
<i>Шакирова Юлдуз Сайдалиевна</i> ВОПРОСЫ РАЗРАБОТКИ ДОРОЖНОЙ КАРТЫ АКТИВИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ .....	360-368
<i>Абдивоҳидов Мамуржон Авазхон ўғли</i> РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ МАЗМУНИ, ТАВСИФИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	369-380
<i>To'xtasinova Muxayyo Mirzasultonovna</i> DAVLATNING INNOVATSION TIZIMINI SHAKLLANTIRISH MASALASIGA .....	381-388
<i>Қурбанова Раҳима Джамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна</i> РОЛЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В СТИМУЛИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ .....	389-403
<i>Набиева Нилуфар Муратовна</i> ОСОБЕННОСТИ КОМПЛЕКСА МАРКЕТИНГОВОГО ПРОДВИЖЕНИЯ КОМПАНИИ В ЦИФРОВОЙ СРЕДЕ .....	404-416



<i>Safarov Radjabboy Eshmuxammadovich</i> KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISHDA INDIVIDUAL DAROMADGA SOLIQLAR MEKANIZMIDAN SAMARALI FOYDALANISH MASALALARI .....	417-428
<i>Sharipova Zulayho</i> SANOAT TARMOQLARI KLASTERLARINI RIVOJLANTIRISH VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI .....	429-434
<i>Шарипов Акбар Илхамович</i> ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГНИ РОЛИ .....	435-440
<i>Хаджаев Хабибулла Сагдуллаевич</i> ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ И ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ АНТИМОНОПОЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ .....	441-447
<i>Хамзайева Дилфуза Самаровна</i> SURXANDARYO VILOYATIDA TURISTIK MAHSULOTLARNI BAHOLASH VA SAMARALI RIVOJLATIRISH IMKONIYATLARI .....	448-452
<i>Усманова Насиба Акбаржоновна</i> ПУТИ РАЗВИТИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В СФЕРЕ УСЛУГ .....	453-459
<i>Исхакова Сарвар Аюбовна</i> ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА ЗАНЯТОСТЬ И КВАЛИФИКАЦИЮ ПЕРСОНАЛА В СФЕРЕ БЫТОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ .....	460-467
<i>Ollanazarov Bekmurod Davlatmurotovich</i> INNOVATSION TADBIRKORLIKNI MOLIYALASHTIRISHDA MUQOBIL MOLIYALASHTIRISH VOSITALARIDAN FOYDALANISH VA UNI TURISTIK XIZMATLAR SOHASIDA QO'LLASH IMKONIYATLARI .....	468-479
<i>To'uchiyeva Nodira G'ulom qizi</i> OLIY TA'LIMNI BOSHQARISHDAGI INNOVATSIYALAR. CHAT GPT YOHUD SUN'IY INTELLEKT .....	480-485
<i>Абдурахимова Саида Аҳмаджановна, Адилова Гўзал Абзаловна</i> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ .....	486-494
<i>Maxsudov Sherzod Solijonovich</i> TO'QIMACHILIK SANOATI KORXONALARIDA INVESTITSION MUHIT JOZIBADORLIGINI BOSHQARISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI .....	495-500
<i>Tadjibekova Dilnoza Bakhtiyarovna</i> ENHANCING FINANCIAL RESOURCE FORMATION IN BUSINESSES .....	501-506
<i>Radjabova Malika Ziyodullayevna</i> AHOLI BANDLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI XUSUSIDA .....	507-512

## 09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Asraqulova Adiba Nabiyevna</i> ZAMONAVIY DAVRDA IQTISODGA FALSAFIY QARASHLAR .....	513-520
<i>Жўраев Аҳмад Муҳаммадиевич</i> ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК ҲОЯЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ .....	521-530
<i>Гуламова Мавжуда Ташпулатовна</i> АХМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНаВИЙ АСАРЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ҲОЯЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ .....	531-538
<i>Abduxolikova Nasiba Alijonovna</i> YOSHLARNING ONLAYN TA'LIM JARAYONIGA TA'SIR ETUVCHI IJOBIIY SALBIY OMILLAR .....	539-544
<i>Yazdonov Zikirillo Shukurilloevich</i> QALANDARIYLIK VA UNING INSON, JAMIYAT TIZIMIDAGI O'RNI .....	545-552
<i>Sharipova Barno Salimovna</i> BIOETIK MADANIYATNING RIVOJLANISH BOSQICHLARI VA UNING ZAMONAVIY IMIJI .....	553-558
<i>Xalikulova Umida Rustamovna</i> AXBOROT MUHITINING OLIY TA'LIMGA TA'SIRI: KONSTRUKTIV VA DESTRUKTIV OMILLAR .....	559-564
<i>Abbasova Maftuna Subxonovna, Temirova Xurshida</i> OILA VA NIKOH MA'NAVIYATI, OILANI MUSTAHKAMLASH OMILLARI .....	565-571
<i>Tog'ayev Nodirjon Ergashevich</i> AJDODLARIMIZ BOY ILMIY MEROSINING O'ZBEKISTONDA MA'RIFATLI JAMIYAT QURISH HAMDA YOSHLAR TARBIIYASIDA TUTGAN O'RNI .....	572-576
<i>Kipchoqov Xomidjon Gulomovich</i> JAVOBGARLIK PRINSIPINI SHAKLLANTIRISH AXLOQSHUNOSLIKNING ASOSIY MASALASI SIFATIDA .....	577-581
<i>Raximova Rayxon Abdurasulovna</i> ZAMONAVIY OILADA MA'NAVIY-AXLOQIY QADRIYATLARNI SHAKLLANTIRISH: MUAMMONING NAZARIY VA USLUBIY TAHLILI .....	582-586
<i>Агзамова Нилюфар Шухратовна</i> “АДАБ АЛЬ-ТАБИБ” КАК ИСТОЧНИК НАЦИОНАЛЬНОЙ БИОЭТИКИ .....	587-591
<i>Axmadiyev Nuriddin Muxutdinovich</i> INTELLEKTUAL MADANIYAT YOSHLARNING INNOVATSION FAOLLIGINI OSHIRISHNING MUHIM MEZONI SIFATIDA .....	592-596
<i>Nabiyev Mansur Jamxur o'g'li</i> DEMOKRATIK JAMIYAT TARAQQIYOTIDA IJTIMOIIY G'OYALAR EVOLYUTSIYASI VA MODERNIZATSIIYASI .....	597-603

<i>Kenjayeva Dilrabo Romanovna, Xaydarova Larisa Sunnatovna</i> GLOBALLASHUV SHAROITIDA MILLIY MADANIYAT SOHASIDAGI O'ZGARISHLARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI .....	604-609
<i>Abduraximova Tursunoy Abduvoxid qizi</i> O'ZBEKISTONDA OLIY TA'LIM TRANSFORMATSIYASINING FALSAFIY MOHIYATI .....	610-615
<i>Tagayev Ganisher Xasanovich</i> YOSHLAR ETNOESTETIK DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISHDA BADIY-ESTETIK OMILLARNING O'RNI .....	616-625
<i>Шоназаров Жамшид Шуҳратович</i> БЕҲБУДИЙ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ҲОЯСИ .....	626-630
<i>Ҳамраев Сирож Абруевич</i> ЖАМИЯТ ЯНГИЛАНИШИ ВА ТАДБИРКОР МАЪНАВИЯТИ .....	631-637
<i>Nabiyev Bekzod Muxammadumarovich</i> MAFKURAVIY ISHLARNI TASHKIL ETISHDA ZAMONAVIY TARG'IBOT TEXNOLOGIYALARI: O'ZBEKISTON VA XORIY TAJRIBASI .....	638-642
<i>Hashimova Gulsina Ismoyilovna</i> HARBIY IJTIMOYIY ISH VA HARBIY MADANIYATNING HARBIY XIZMATCHILAR FAROVONLIGINI TA'MINLASHDAGI ROLI .....	643-648
<i>Karimova Gulnoza Yigitaliyevna</i> AXLOQIY MADANIYAT TUSHUNCHASINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOYIY ZARURIYATI .....	649-655
<i>Sharipova Kamola Usmonjonovna</i> YANGI O'ZBEKISTONDA GENDER TENGLIKNI TA'MINLASH BO'YICHA ILG'OR XORIJIY DAVLATLAR TAJRIBASINI MILLIY STRATEGIYAGA TRANSFORMASIYALASH ISTIQBOLLARI .....	656-661

07.00.00-Тарих фанлари

**Сайдуллаев Фаррух Умедулло ўғли**  
Термиз давлат университети стажёр тадқиқотчи  
Тел: +998334421991  
E-mail: [Saydullaev1919@gmail.com](mailto:Saydullaev1919@gmail.com)

### **МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ЭТНОЛОГИК ВА ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Муҳаммад Ҳаким Термизийнинг “Нарўзнома” ва “Солнома” асарлари этнологик ва этнографик таҳлил қилинган. Ҳаракати афлок (осмон) ва кавокиб (юлдузлар), сайёра ва нуҷум (ёритгич)ларни тулуъ (чиқиш) ва ғуруб (ботиш) вақтининг қайси фалақда, қайси буржда ва қайси вақтда чиқиб ва қайси вақтда ботиши, қайси нарсага далолат қилиши, нимани тарбият қилиши ва қайси нарсага саъд (яхши) ва қайси нарсага наҳс (ёмон) бўлиши илмий таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Ҳаким Термизий, Наврўзнома, Солнома, буржлар, тақвим, юлдузлар, куюш, ой, ҳафта кунлари, этнология, этнография, аҷам, араб, ёмғир, ҳайвонлар, осмон, тупроқ.

**Saydullaev Farrukh Umedullaevich**  
Intern researcher  
Termiz State University

### **ETHNOLOGICAL AND ETHNOGRAPHIC STUDIES OF MOHAMMAD HAKIM TIRMIZI**

**Abstract.** This article makes an ethnological and ethnographic analysis of the works of Muhammad Hakim Termizi “Naroznama” and “Solnoma”. The movement of the afloc (sky) and kawokib (stars), planets and stars (illuminators) is based on the time of sunrise and sunset, in which constellation and in which constellation and at what time it rises and at what time it sets. (Good) experiences have been scientifically analyzed to determine which things indicate, which educate, which things are sad (good), and which things are nahs (bad).

**Keywords:** Hakim Termizi, Navruznama, Solnoma, horoscopes, calendar, stars, sun, moon, days of the week, ethnology, ethnography, ajam, arab, rain, animals, sky, soil.

**Сайдуллаев Фаррух Умедуллаевич**  
Стажер-исследователь  
Термезского государственного университета

### **ЭТНОЛОГИЧЕСКИЕ И ЭТНОГРАФИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ МОХАММАДА ХАКИМА ТИРМИЗИ**

**Аннотация.** В данной статье сделан этнологический и этнографический анализ произведений Мухаммада Хакима Термизи «Нарознама» и «Солнома». Движение афлога (неба) и кавокиба (звезд), планет и звезд (осветителей) основано на времени восхода и захода Солнца, в каком созвездии и в каком созвездии и в какое время он восходит и в какое время заходит. (Хороший) опыт был подвергнут научному анализу, чтобы определить, какие вещи указывают, какие воспитывают, какие вещи печальны (хорошие), а какие - нахс (плохие).

**Ключевые слова:** Ҳаким Термизи, Наврузнома, Солнома, гороскопы, календарь, звезды, солнце, луна, дни недели, этнология, этнография, аджам, араб, дождь, животные, небо, почва.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I12.1Y2023N04>

**Кириш.** Тадқиқот жараёнида олиб борилган этнографик илмий ва дала тадқиқотлари жараёнида Ҳаким ат-Термизийни табиат билан боғлиқ кузатувларни қўйидаги манбалар асосида таҳлил қилинди. Жумладан, Ҳаким ат-Термизий дала кузатувлари даврида табиатдаги ўзгаришларни ўрганиш вақтида йиллар давомидаги тажрибаларига таяниб қўйидаги этнографик натижаларни баён қилади. Этнографик кузатувлар асосида ихтилофи замон (замон ўзгариши) ва мурури айёмдин (кунларнинг ўтишидан) кўп тажрибалар ҳосил қилдим. [1].

Ҳаракати афлок (осмон) ва кавокиб (юлдузлар), сайёра ва нужум (ёритгич)ларнинг тулуъ (чиқиш) ва ғуруб (ботиш) вақтининг қайси фалақда турар ва қайси буржда ва қайси вақтда чиқиб ва қайси вақтда ғуруб қилиб (ботиб) ва қайси нарсага далолат қилур, қайси нарсани тарбият қилур ва қайси нарсага саъд (яхши) ва қайси нарсага наҳс (ёмон) бўлурини хўб (яхши) тажриба қилдим. [2]. Ва кўп машаққатлар тортиб Наврўзи Олам янги бўлиши бирлан шул йил ичинда бўладирган нарсаларнинг аломатларидин фаҳм қилиб, аҳволлардин хабар берур эрдим, то илми нужумни бир ҳафтага келтурдим ва ҳар рўз (кун) ни аҳволи нечук бўлурини топтим ва тажриба қилиб, ушбу нусха (китоб)ни ёздим. [3].

Токи мусулмонлар наф олсунлар, хусусан, деҳқонлар киштикор (экин) ларни шунга қараб эксалар, биладурларки, бу йил қайси экин яхши бўлур ва қайси экинлар қиммат ва қайси ғаллалари арзон бўлур, шунга қараб амал қиладур.

Ва аҳволи кўҳ (тоғ) ва дашт ва аҳволи подшоҳ ва фуқаролар ва савдогар ва ҳаннот (дон олиб сотувчи савдогар) ва чорпо (ҳайвон) ларни аҳволи йилни аввалинда ва авсатинда (ўртасида) ва охиринда нечук бўлури аз рўйи тажриба (юзасидан) ёздим, токи ҳар ким ўқиса тақвимга муҳтож бўлмас, на ҳарчанд (қанча) замон ўтса ҳам бу нусха мансух (эски) бўлмас. Валлоҳу аълам биссаваб (Аллоҳ тўғрилиқни билувчидир). Олим ва аллома ал-Ҳаким ат-Термизий этнографик тадқиқотларга асосланиб табиатда юз бераётган ҳар бир сониядаги ўзгаришларни диққат билан кузатиб ҳафталардаги бир-бирдан фарқ қилувчи фарқлар, янги йилни ҳафтани қайси кунига келишига оид кузатувларни ўз хулосасига таҳдим этган. Унинг дала тадқиқотлари узоқ кузатувлар давридаги жараёнларга эътибор берилган ҳолда қўйилган масалага ечим топишда табаитада юз берадиган воқеа-ҳодисларга ва уларни ғар йилга оид тақрорланиш ҳолатларига алоҳида кузатувларни олиб борган. [4].

Жумладан, Агар Наврўзи олам якшанба кунини дохил бўлса (кирса), Шамс (Күёш)га тааллуқли бўлур. Ул сол (йил) неъматлар кўп бўлиб, тўқлик бўлғай, фитна ва ёмонлиқ оз бўлғай, ғўзаларга яхши бўлғай, тоғлардаги полизлар ва экинлар яхши бўлғай ва деҳқонларнинг экинлари биткай. Йилнинг аввалинда арзони (арзончилик) бўлғай, охирида андак қиммати (қимматчилик) бўлғай, аммо тез ўтгай. Халқ орасида муҳолифатчилик (қарама-қаршилиқ) бисёр бўлғай. Халойиқ орасида вабо бўлғай. Ва машриқ тарафидин андак фитна ва хавфи хунрези (қон тўкиш) бўлғай ва оғирлик охири бахайр бўлғай. Экинларни эртароқ эқмоқ керак. Валлоҳу аълам биссаваб. Ал Ҳаким ат-Термизийни бу этнографик дала кузатувлари асосида тақдим этган фикрлари асрлароша ўз аҳамиятини йўқотмасдан келиб, бу тадқиқо натижаларни биз ҳозирги даврдаги ҳолатини дала тадқиқотлари жараёнида таққослаб, қиёсий тағлил этиб, қўйидаги маълумотлар асосида тўғри келишини исботладик.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг олиб борган тадқиқотлари орадан қанча вақт ўтишига қарамасдан, ўз аҳамиятини йўқотмаганлигининг асосий сабаби ҳар бир ҳафтадаги янги йилнинг киришини ўн ёки 30 йиллар давомида кузатиб ягона бир фикрга келганлигини қайд этиб ўтиш зарур. Бу масалада ал-Ҳаким ат-Термизийни қўйидаги дала кузатувларига эътиборни қаратамиз.

Яъни, агар Наврўзи Олам душанба куни дохил бўлса, Қамар (ой) га тааллуқли бўлғай. Ул йил тўқлиқ бўлғай, неъматлар кўп бўлғай, ёмғир кўп ёқғай. Подшоҳларга андак хавфлик бўлғай ва баъзи савдогарлар ҳоли заиф бўлғай. Ғўза экин яхши бўлғай. Кунжут, тариқ қўноқ миёна (ўртача) бўлғай, қор-ёмғир йилнинг аввалинда бўлғай. Тоғларда ва Ироқда зилзила бўлғай. Ва баъзи полизларга офат етгай ва баъзига давлат бўлур. Аммо буғдой ширин бўлур, тез ўтгай, савдогарлик баста (ёмон) бўлғай. Бу йил заифларнинг аҳволи хўб бўлғай. Аммо катталарга бисёр мансабдорлик бўлғайлар. Валлоҳу аълам биссаваб. [6].

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Ҳаким Термизийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида бугунга қадар кўп сонли тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, тарих фанлари доктори, профессор Сайфулла Турсунов ўзининг “Термизийларнинг илмий тафаккури” номли китобида аллома тўғрисида бир қатор маълумотларни келтириб ўтади. Шунингдек, Мирзо Кенжабек томонидан ёзилган “Буюк Термизийлар” номли китобда ҳам Ҳаким Термизийнинг ҳаёти, илмий фаолияти, асарлари борасида кўплаб маълумотларни олиш мумкин. Бундан ташқари, мамлакатимизда И.Усмонов, Ж.Мирзаев, Ж.Чўтматов каби тадқиқотчилар олимнинг меросини ўрганиш, уларни таржима ва таҳқиқ қилиш борасида самарали ишларни амалга оширганлар.

Ушбу мақолани тайёрлашда таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

**Муҳокама.** Ҳаким ат-Термизий табиатни этнографик ўрганиш жараёнида анъанавий ҳўжалик тизимига алоҳида эътибор бериб, ҳар бир фаслдаги об-ҳавонинг ўзгаришлари, унинг инсон турмуш тарзига ижобий ва салбий таъсирини, деҳқончилик, чорвачилик соҳасини юритишдаги юз бериши мумкин бўлган муаммолар, қийинчиликлар, офатлар ва уларнинг оқибатларини тўлиқ аниқлашга ҳаракат қилган. Унинг фикрига кўра, агар Наврўзи Олам сешанба куни дохил бўлса, Миррихга (Марсга) тааллуқли бўлур. Ул йил фараҳ (шодлик) лик бўлғай ва кундан-кун таомлар кўп бўлғай, чаҳорполар (ҳайвонлар)га маъмурчилик бўлғай. Аммо одамлар орасида жанжал кўп бўлғай. Машриқ тарафнинг подшоҳига ташвиш кўп еткай. Ул йил экинларни эрта экса, яхши бўлғай, кечига офат теккай ва мевалар оз бўлғай. Йил охирида сел кўп бўлғай, ул йил ёмғир кам бўлғай. Бу йилда ҳам неъмат кўп бўлғай ва нархлар арзон бўлган ва гиёҳлар бисёр бўлғай. Аммо бу йилда узум кўп бўлғай ва заифларнинг аҳволи танг бўлғай. Валлоҳу аълам биссаваб деган аниқ хулосани берган. Бу алломани фикрининг тасдиғини Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказида туркиялик машҳур фотограф Орҳан Дургутдан ёзиб олинган дала ёзувлари тасдиқлайди. “Дунё ислом шаҳарлари” халқаро фото кўргазмасида Термиз, Хива, Самарқанд, Нажаф, Деҳли, Мадина, Макка, Қуддус, Истанбул каби ислом оламининг машҳур 30 га яқин шаҳарларидаги зиёратгоҳларнинг фото суратлари намойиш этилди, тадбир давомида фотографдан бир қанча маълумотлар олинди. [7].

Алломанинг табиатнинг уйғониши, унга коинотдаги ўзгаришларнинг таъсири, осмон жисмларидаги ҳаракатлар тўғрисидаги этнографик тадқиқотлари этнология фанининг қиёсий

тахлилига катта маълумотларни тақдим этган. Унинг тадқиқотлардаги натижаларга асосланган амалиёт хулосаларига кўра агар Наврўзи Олам чаҳоршанба (чоршанба) куни дохил бўлса, Аторуд (Меркурий) га тааллуқли бўлмай. Ул йил қаҳатчилик бўлмай, қон тўкмоқ ва фитна-фасод кўп бўлмай. Аммо тезлик бирлан бартараф бўлмай. Ул йил полизлар кўп яхши бўлмай, аммо Хуросон тарафида арпа, буғдой қиммат бўлмай, мош, ловия, тарик, қуноқлар кўп бўлмай. Ул йил йилон, чиён, қуртлар кўп бўлмай. Ўлим заифларга ва ёш болаларга кўп бўлмай, аммо савдогарчилик кўп яхши бўлмай. Аммо халойиқлар орасида кўз оғриги кўп бўлмай. Валлоху аълам биссаваб. Энг муҳими алломани юқорида асослаб берган амалиёт натижалари асрлар ўтишига қарамасдан ўзгармай, ўз тасдиғини топиб келмоқда. [8].

Алломани ушбу илмий этнографик тадқиқотларни ҳозирги давр нуқтайи назаридан таҳлил қилинганда, Туркиянинг Ислон тарихи ва маданияти маркази директори Эрол Қилич ва Фотих Султон Меҳмед университети докторанти ва илмий тадқиқотчиси Муҳаммад Одил Ҳамиддан олинган маълумотлар асос бўлиб хизмат қилди.

**Натижа.** Этнографик дала тадқиқотларга асосланган аллома табиат фаслларидаги ўзгаришларга диққат билан эътибор бериб, фаслларга хос бўлмаган об-ҳаводаги ўзгаришлар, қиш ёки баҳор фаслларида қўрғоқчилик келиши ёки айнан баҳорги экинларни экиш даврдаги серёгингарчилик, куз ойиларда қўрғоқчилик ҳолатларининг юз берганлигини йиллар тизимида таққослаб, ўзининг этнологик таҳлилларини тақдим этган. Ўз навбатида алломанинг фикрича, агар Наврўзи олам жума куни дохил бўлса, Зуҳра (Венера)га тааллуқли бўлмай. Ул йил фараҳ (шод)лик ва фаровонлик бўлмай. Ёмғир кўп ёғмай, совуқ қаттиқ, қиш узун, йил охирида андак қиммат(чилик) бўлмай. Ғалла сақламоқ керак, савдогарчилик кўп яхши бўлмай ва кечки (зироат)га офат етмай. Ул йилда нархлар арзон бўлмай неъмат, фарох (кўп) бўлмай, зироатлар хўб бўлмай. Кунжут миёна (ўртача) бўлмай. Сипоҳ (лашкар) ларнинг ҳоли забун (оғир) бўлмай. Валлоху аълам биссаваб. Бу хулосалар исбот талаб қилмайдиган амалиёт натижаларни аниқ ўлчовга олинганлигидан далолат беради. [10].

Ҳаким ат-Термизийнинг этнографик кузатувлари ва этнологик илмий қарашлари аниқ воқеъликка асосланганлиги билан ажаралиб туради. Алломанинг машҳур “Наврўзнома” асари ўзининг ноёблиги, аниқ воқеъликка асосланганлиги, узоқ кузатувлар натижасидаги тадқиқот эканлиги билан олимларнинг диққатини ўзига тортиб келмоқда. Алломанинг кузатувларига асосланган фикрига кўра, агар Наврўзи олам шанба куни дохил бўлса, Зуҳал (Сатурн)га тааллуқлидур. У йил баъзи шаҳарларда қаҳатчилик бўлмай, ёмғир кўп ёғмай, хунрезлик (қон тўкишлик) ҳам кўп бўлмай. Жануб соридин (томондин) лашкар пайдо бўлур, уруш ва суқуш, ўғри ва қароқчи кўп бўлмай, фитна ва ёлғон фош бўлмай. Кузги экинлар яхши бўлмай ва мевалар камроқ бўлмай, йил охирида совуқ қаттиқ бўлмай, қиши узоқ бўлмай. Валлоху аълам биссаваб. Бу асар ҳар инсонга, касб эгасига ва илм-фанга жуда муҳим қўлланма сифатида хизмат қилиб келаётганлигини ҳаёт исботлаб келмоқда. Аллома томонидан яратилган вақт ўлчов бирликларининг ниҳоятда тўғри эканлигини ўтказилган дала кузатувлари тасдиқлади. [11].

Ҳаким ат-Термизийнинг этнографик кузатувлари ва этнологик илмий таҳлилар натижасига асосланиб таъкидлаш керакки, этнографик кузатувлар асосида яратилган “Наврўзнома”нинг форс тилидаги Туркия, Сулаймония шаҳри, Асир афанди кутубхонаси, 1430 рақамли нусхаси билан ўзбек тилидаги нашр нусхасини ўзаро солиштирганимизда, матнда фарқлар борлиги кузатилди. Этнологик илмий хулосаларга таянган ҳолда таъкидлаш керакки, асарнинг Сулаймония нусхаси қуйидагича бошланади: *Рисолаи фи баёни аҳкоми наврўз. Чунин гўяд Хо Абулқосим Муҳаммад бин Али Ҳаким Тармадий қаддасаллоху руҳаху ки Худой азза-жалла*

маро саду бисту панж сол умр дод... Оғози китоб, чун наврўз якшанба бошад он рўз Офтобро бувад, он сол фарохи бошад ва дар миёни мардумон фитна камтар бувад. Панбазорҳо беҳтар бувад ва полизҳои қуҳиро равож бувад ва киштҳо чунон ки намоя наёяд ва ба охири сол танги бувад ва зуд бигузарад ва марг андак бувад. [12].

Хожа Абулқосим Муҳаммад бин Али Ҳаким Тармадий Аллоҳ таоло унинг руҳини муқаддас қилсин шундай дейди: менга қудратли ва улуғ Аллоҳ бир юз йигирма беш йил умр берди... Китобнинг бошланиши, агар наврўз якшанба куни кирса, у Офтоб (Қуёш) га тааллуқли бўлади, йил фаровон келади ва одамлар ўртасида фитна кам бўлади. Пахта ҳосили яхши бўлади, тоғ этакларидаги полизлар ривож топади, экинзорлар бошқа йилларга нисбатан зўр бўлади ва йил охирида озгина танглик бўлади, лекин тез ўтиб кетади, ўлим кам бўлади. (Матндаги якшанба кун билан ушбу матн солиштирилса, катта фарқ борлиги сезилади, демак келажакда “Наврўзнама”нинг форсий ва туркий матнларини ўзаро қиёсий текшириш талаб этилади. [13].

Энг муҳим, энг қадимги манбалардан ҳисобланган ушбу асар изоҳига этнологик нуқтаи назардан эътибор берилса, Қадим Шарқда ҳафта шанбадан бошланган ва шанба ҳафтанинг биринчи куни ҳисобланган, пайшанба ҳафтанинг охири ва жума дам олиш куни бўлган. “Наврўзнама”даги шарҳлар якшанба, яъни ҳафтанинг иккинчи (ҳозирда дам олиш) кунидан бошланади ва шу кун Шамс (Қуёш) га тааллуқли дейилади, ўтмишда кунлар маълум сайёра номи билан аталади. Уларнинг, яъни ҳар бир сайёра (планета) нинг ўз ранги бўлган, чунончи қора – Зуҳал (Сатурн) – шанба, сариқ – Қуёш – якшанба, яшил – Ой – душанба, қизил – Миррих (Марс) – сешанба, кўк – Аторуд (Меркурий) – чоршанба, жигарранг – Муштарий (Юпитер) – пайшанба, ниҳоят оқ – Зуҳра (Венера) – жума. Алкимё назарияси сайёраларни қуйидагича талқин этади: Зуҳал (Сатурн) – қўрғошин, Қуёш – олтин, Ой – кумуш, Миррих (Марс) – темир, Аторуд (Меркурий) – симоб, Муштарий (Юпитер) – қалай, Зуҳра (Венера) – мис. Шунингдек, Зуҳал – бахт-толе белгиси, Қуёш – олов ва адолат рамзи, Ой – сокинлик ва маърифат ифодаси, Миррих – жанг ва момақалдиروق тангриси, Аторуд – адиблар ҳомийси, Муштарий – фалак қозиси, Зуҳра – само созандаси.

Йилнинг ўн икки ойлари ҳам маълум ақидалар асосида етти сайёра туркумларига алоқадор фараз қилинади: Зуҳалга – жадди (эчки) ва далв (қавға), Қуёшга – асад (шер), Ойга – саратон (қисқичбақа), Миррихга – ҳамал (барра) ва ақраб (чаён), Аторудга – жавзо (эгизак) ва сунбула (бошоқ), Муштарийга – қавс (ёй) ва хут (балиқ), Зуҳрага – савр (хўкиз) ва мезон (тарози) тобин экан.

**Хулоса.** Ҳаким ат-Термизийнинг этнографик кузатувлари ва этнологик илмий хулосалари қуйидаги манбаларни тақдим этади: Бу хил етти сайёра, етти кун (ҳафта), умуман, етти рақами боғлиқ ҳодисалар араб алифбосидаги етти хил хаттотлик санъати, наврўзда тайёрланувчи етти хил таомлар, Шарқ ақидасича, қуруқликни етти денгиз ўраб туради, етти иқлим, жаҳондаги етти мўъжиза, мусиқада етти мақом ва етти парда, инсон танасидаги етти муҳим аъзолар, жоҳилиятдан кейинги замонларда араблар ҳафта кунларини абжад номлари билан юритган деган ривоят ҳам бор. [14].

Юқоридагилардан етти иқлим, етти мақом ва етти парда, инсон танаси аъзолари сайёралар билан ҳамда етти кун абжад билан ҳамоҳанглик касб этади. Масалан етти иқлим: Ҳиндистон – Зуҳал, Хуросон – Қуёш, Бақтр (Балх) – Ой, Туркистон – Миррих, Рум (Румо) – Аторуд, Чин – Муштарий, Мовароуннаҳр – Зуҳра; етти мусиқа пардалари ва етти мақом: До – Зирафканд – Юпитер, Ре – Раҳовий – Сатурн, Ми – Наво – Ой, Фа – Бусалиқ – Меркурий, Соль – Рост – Венера, Ля – Ироқ – Қуёш, Си – Ушшоқ – Марс; инсон аъзолари: орқа мия – Зуҳал, қалб (қон айланиш



тизими) – Қуёш, ошқозон – Ой, бош мия – Миррих, ўпка (нафас йўллари) – Аторуд, жигар – Муштарий, буйрак – Зухра; ҳафта кун номлари ва абжод: шанба – абжод, якшанба – ҳавваз, душанба – ҳутти, сешанба – каламан, чоршанба – сауфас, пайшанба – қарашат, жума – саххаз ёки арубате, атиги заззағ соқит этилмоқда.

Ўзининг олиб борган мунтазам илмий тадқиқотларига манба ҳисобланган табиат ўзгаришларидаги қурғоқчилик, қор ёмғирларнинг кам ёғиши ёки селларнинг келиши, агар об-ҳаво яхши келса, тўқчилик бўлиши, бўғдой арпаларни арзон бўлиши ёки уни тескариси бўлишини мунтазам кузатувлар асосида баён этган. Буни унинг қўйидаги этнографик кузатувларидан англаб етса бўлади. Тадқиқотчи алломани амалиёти асосида, унинг амалий кузатувлари қўйидаги маълумотларни тақдим этган. Хулосаларга кура агар Наврўзи Олам панжшанба (пайшанба) куни дохил бўлса, Муштарий (Юпитер) га тааллуқли бўлмай. Ул йил баъзи жойларда неъматлар кўп бўлуб ва баъзи жойларда оз бўлмай. Ёмғирлар ўз вақтида ёқмай, қор-ёмғир кўп бўлмай. Подшоҳлар ҳоллари яхши бўлмай ва ҳамма ҳунарпеша (ҳунарманд)лар касбларидин хурсанд бўлмайлар. Ва дарёлардаги киштилар (кемалар) га саломатлик бўлмай, лекин халойиқлар орасида ёлғон сўз кўп бўлмай, беморлик кўп бўлмай, савдогарлик яхши бўлмай. Ул йил сипоҳ (лашкар)ларнинг аҳволи хўб бўлмай. Валлоҳу аълам биссаваб. Алломани этнографик кузатувлари аниқ воқеа-ҳодисаларга ҳамда кузатув натижаларига мослашган ҳолда ўтказилганлиги бунинг исботи ҳисобланади.

#### Литература/Адабиётлар/References:

1. Турсунов,С, Муртазоев Б. Термизийларнинг илмий тафаккури. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти, 2016. Б.128
2. Дала ёзувлари Термиз тумани. 2021йил.Таниқли Ҳатот устоз Ҳабибуллоҳ СОЛИҲ Имом Темизий халқаро илмий тадқиқот марказига ташриф буюганда ёзиб олинган суҳбат.
3. Дала ёзувлари Термиз шаҳри.Термизийлар халқаро илмий тадқиқотлар маркази.2021.Орҳаи Дургутдан ёзиб олинган.
4. Дала ёзувлари. Ҳақим термизий зиёратгоҳи 2023- йил. Термиз тумани.
5. Дала ёзувлари. Туркия, Истом тарихи ва мадинияти маркази директори Эрол Қилич ва Фотих Султон Меҳмед университети доктарати ва илмий тадқиқотчиси Муҳаммад Одил Ҳамид билан. 2020 йилнинг 26 феввалида бўлиб ўтган учрашув Туркиянинг машҳур журналида махсус сонидан нашр бўлган
6. Хусайн,М, Жўраева. Ғ. Наврўзнама – Солнома, Баҳор Неъматлари. Тошкент. 1991. Б.17-19

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 12/1 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).